

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 71 (6812)
1997 йил 13 сентябрь шанба

Сотувда эркин
наرخда

Изҳор

НОДИРАНИНГ ПОРТФЕЛИ ИККИТА БЎЛДИ

Бултур мактаб бозорига августнинг охирида боргандик. Шунинг учун дафтар, қалам, учиргичу чизгичнинг ҳам дурустроғи қолмаган экан... Яна ушанақа бўлмасин, деб онамлар бу йил ёзининг бошидаёқ ҳамма ўқув қуролларини сотиб олиб, ғамлаб қўйгандилар...

Қизик бўлди: бу йил менинг мактаб либосим куш-куш бўлиб кетди. Синглим Нодирада бўлса ҳамма ўқув қуроллари иккитадан бўлиб қолди. Қандай қилиб дейсизми?!

Августнинг сунгги кuni туманимиздаги Болалар боғига Мустақиллик байрамига чиққандик. Уйин-кулги уртасида туманимиз ҳокими Комилжон амаки Тошпулатов бошлиқ бир гуруҳ меҳмонлар келишди. Улар бизни байрам билан табриклаб бўлиб, аёлочи ўқувчиларнинг исми-шарифларини айтиб, давра уртасига чақирдилар. Бир вақт мен ҳам узининг номимни эшитиб қолдим. Қандай қилиб ҳокимнинг ёнига бориб қолганимни билмайман. Комилжон Жураевич бизга — тумандаги ҳамма аёлочиларга чиройли-чиройли мактаб либослари совга қилди. Суюниб қўлга олиб келдим, лекин остонадан ҳатлаб, уни қандай қилиб синглим қўлига тутқазганимни билмайман. Ҳар қалай, у кичкина, уксинмасин, мен билан талашмасин дедим-да! Лекин, шошилмасам ҳам буларкан. Орадан икки кун ўтмай, Нодиранинг нарсалари меникидан ҳам ошиб-тошиб кетди. «Биринчи кўнги-роқ»дан кейин мактабимиз директори Муҳаббат опа ҳамма биринчи синфларга кириб ўқувчиларга кетадиган барча ўқув қуролларини текин тарқатибди.

— Сизлар Истиқлол билан эгизсизлар! Усиб, мактабга чиққанингиз билан табриклаб Президентимиз Сизларнинг ҳаммангизга буларни совга қилди, — дебдилар. — Аммо битта шарт бор: фақат аёло ўқинлар. Шунда юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг яна бошқа совғаларини ҳам оласизлар!

Нодирадан бошқа болаларнинг ҳам баъзи нарсалари бор экан. Улар ҳам аввалгига нима қиларини билмай қолишибди. Кейин аёло ўқиш йўлини топишибди: Нодира битта портфелини қалам-дафтарларга тўлдириб, олиб қўйди. Иккинчисини — Президентимиз юборган совгани ҳар кuni мактабга олиб боради, авайлаб-ардоқлаб ишлатяпти. Узиям, совгамисан совга экан-да! Портфелни курсангиз! Шунақа чиройли, шунақа аёл! Рангдор капалакка ухшайди! Яна бир қарасангиз камалаккаям ухшаб кетади. Худди яхши ўқисанг, сени осмонларга олиб чиқаман, узоқларни курсатаман, деганга ухшайди!

Шунақа қилиб, мен ҳам Нодирага айтдим: «Энди ҳамма нарсанг куш-куш бўлди. Менинг мактаб либосим ҳам иккита бўлгани яхши. Ахир уни менга туманимиз ҳокими совга қилганди. Сенга бўлса — Президентимизнинг ҳадяси!»

Тугри қилибманми, совга совга қилинмайди, ростми?

**Наргиза ОДИЛОВА,
Собир Раҳимов**
туманидаги

196-мактаб ўқувчиси.

СЕНДАН КУТГАНИМИЗ КЎП

Севимли газетам «Тонг юлдузи»! Сенга республикамизнинг чекка қишлоғидан хат йўллайман. Бизнинг қишлоғимиз тоққа яқин бўлгани учун об-ҳавоси тоза, сувлари тиниқ, тоғ бағридан оқиб келаётган зилол сувларда гулмоҳилар сакраб-сакраб уйнаб юради. Одамлари самимий, бир-бирига меҳрибон. Мактабдош дўстларим, синфдош дўгоналарим ҳам мен билан аҳил ва иноқ. Афсуски, қишлоғимизда газ йўқ. Учоқда овқат пиширамиз. Ҳаммом

турт соат автобус кутишга турри келади. Қишлоғимизда кутубхона йўқ. Мактабимиз кутубхонасидаги китоблар кам. Борлари ҳам эски китоблар, ҳайрон қоламан. Нима учун кутубхонамизга янги китоблар тез-тез келмайди? Китоб



ўқиш жону-дилим. Тенгдошларим ҳақида кўпроқ ўқишни хоҳлайман. Турли вилоятларда яшаётган тенгдошларим билан танишишни, улар билан мактуб орқали дийдорлашишни орзу қиламан. Буш вақтларимда сен билан дардлашиб, нималарнидир айтгим, ёзгим келади. Лекин афсуски, сен бизнинг мактабга жуда кам келасан. Балки, йўл узоқлиги учун келишга эри-нарсан? Агар сенинг бирор янги сонинг мактабга келиб

қолса биз жуда хурсанд бўламиз. Яқинда опам билан шаҳарга бир қариндошимникига меҳмонга бордим. У ерда менинг тенгдошим Гулноза яшайди. Гулноза дарсдан кейин рақс тугарагига қатнашар, тугаракдан кейин эса инглиз тилидан қўшимча сабоқ олар экан. Гулнозага шунақа ҳавасим келдики. Қани энди бизнинг мактабимизда ҳам шундай тугараклар очила қолса? Биз ҳам дарсдан кейин қатнашсак, деб уйладим. Гулнозанинг дарсхонаси жуда чиройли жиҳозланган экан. Мени ҳаммадан ҳам севинтирган нарсаси — у ерда сеннинг ҳамма сонларинг жамланган экан. Мен илгари ўқимаган сонларингни иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Айниқса «Тарихимизни урганамиз», «Қулоғингга гапим бор», «Маърифат ёғдулари», «Биз билган ва билмаган дунё» рукни остида босилаётган мақолалар, улардаги фикрлар жуда ёқди. Бир сонингда Алишер деган тенгдошимизнинг қалб изтироблари «Қулоғингга гапим бор» рукнида ёритилган экан. Унда Алишер уртоғининг бош кийимини угирлаб олгани, энди эса виждони қийналаётгани ҳақида сўз боради. Алишер сенга мактуб йўллаб, нотўғри иш қилганига иқдор бўлган. Қандай қилиб эгасига топшириш ҳақида сендан маслаҳат сураган. Менимча, Алишер дўстига тўғриси айтиб ундан узр сураши ва кийимини қайтариб бериши керак. Агар дўсти ҳақиқий дўст бўлса уни кечи-

«Тонг юлдузи»
бизга етиб келсин!



Хурматли «Тонг юлдузи»! сенга айтадиган гапларимиз, дардларимиз жуда кўп. Яқинда обуна ҳам бошланади. Биз, ҳаммамиз, синфимиз билан сенга обуна бўлмоқчимиз. Лекин шу шарт биланки, сенинг ҳамма сонларинг бизга етиб келсин. Сендан яна бир илтимосимиз, саҳифаларингда Чағаниён водийси ҳақида, бобомиз Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақларида тарихий мақолалар ёритсанг. Бундан ташқари, «Дўстлашув» ва шунга ухшаган рукн очиб республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаётган тенгдошларимиз билан таништирсанг. Яна илтимос, бизнинг мактабимизга ҳам ташриф буюргин. Сени интизорлик билан кутамиз. Салом билан...

**Фарида
МАМАТМУРОВОВА,
Денов туманидаги 11-мактаб ўқувчиси.**

Сўлим ҳаволарда кузак
нафаси,
Боғ аро олмалар кулар,
тилладай.
Сенга бу дунёнинг келар
ҳаваси,
Кўзида офтоблар кулган
болакай.
Мунчоқ кўзларингда
дунёни кўрдим,
Кўрдим ёғдуларга ботган
осмонни.
Жажжси қўлларингда
кўтаргусисан,
Шу озод Ватанни —
Ўзбекистонни!





ЎЗИМИЗНИНГ ЗАҲМАТКАШ ЖАББОРАКА

Сиз ҳам танидингиз-а, Жаббор акани? Ахир, газетамиз таҳрир хайъати аъзо-си сафида турибдилар-ку! Нафақат турибдилар, балки Сизга газета чиқараётган пайтимизда биз билан бир ҳаводан нафас олиб, орзу ҳаёлларимиз, гап-сузларимиз маъно-мазмунига чуқур кириб юрибдилар, Жаббор ака! Бош муҳаррирлик фаолиятларини худди шу газетадан бошлаганлар. Улар «Тонг юлдузи»нинг ўқувчилари сони беҳад кўпайиб кетишига муносиб ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам тез-тез нега расмлар ясама, нега гаплар тўқима, ҳаммаси ҳаётий бўлиши керак, рост ёзинглар, олиб қочманглар, — деб қўнғироқ қилиб турадилар. Имло хато учун ҳам, назаримиздан четда қолган кўнлик воқеа учун ҳам... у киши олдида бир қизариб олишимиз бор.

Катта оламга болалар газетасининг болаларча кўз билан қарабини биласиз. Бу ҳам қизиқарли, ҳам азоб. Нимага десангиз, болалар алдовни билмайди, кузи ҳамма нарсани борича қуради. Хаспушламайди. Ютуқлардан кўнгли усади, иллатлардан тирналади. Болалар газетасидан ана шундай дарс олган Жаббор ака, ҳозирги «Туркистон»га бош муҳаррир бўлгач, яна ҳам илҳомланиб кетдилар.

Чунки уша мустақилликнинг дастлабки йилларида газета ёшларимизнинг кўндалик яшаш, қураш дастури эди. «Туркистон» деган суз лугатимиздан чиқиб кетган бир даврда «Ёш ленинчи»нинг «Туркистон» бўлиб чиқа бошлашида ҳам Жаббор акамизнинг ҳиссаси катта бўлди. Эндиликда муассисимиз бўлган Республика Давлат Матбуот қўмитасида ишлаётган Жаббор Раззоқов асли Хоразм воҳасидан. Ун беш ака-уканинг сардори. Оиладаги қатор ўғил-қизларнинг меҳрибон отаси ва бобоси бўлиб уларнинг ўзига хос инжиқликларини бир жилмайиш билан юмшатиб юборса, ўзи бош-қош бўлган жамоа аъзоларининг қувонч ва ташвишларига ҳаммаша шерик, бўлиб, муаммоларини яхшилик сари ҳал қилишлари боис — сабабли, пешонасига ажин, икки қончи уртасига тутун бўлса-да, бугунги кунда ЭЛЛИК ЁШга кирибдилар!

Катталигида ҳам болалик маъсумлигини, самимиётини ўзида сақлаб қолган одам энг бегуноҳ одамдир, — дейилади ҳадисларда. Биз — «Тонг юлдузи», «Солнышко», «Гулхан», «Гунча» — болалар газета ва журналларида меҳнат қилаётган касбдош биродарлари у кишини қўл-луг ёшлари билан муборакбод этиб, болалик ҳислатлари сизга ҳаммаша ёр бўлсин, Жаббор ака!, — деймиз.

КАСБЛАР КЎП ХИЛМА-ХИЛ, МЕН-ЧИ, МЕН КИМ БЎЛАМАН? КИТОБ СОҒИНЧИ

1 сентябрни мен 3 ой интизорлик билан кутдим. Ёзги таътилда уй ишларига ёрдам бердим. Пахта даласида ишладим. Адирда мол боқдим. Поллиздаги қовун-тарвузларни узиб, катта шаҳарларга жўнатишда акаларимга кумаклашдим. Мактабдош дўстларимни, ўқитувчиларимни айниқса, уларнинг сабоқларини соғиндим. Келажакда шифокор бўлмоқчиман. Шунинг учун барча сеvimли фанлар қаторида кимё-биология фанини

ҳам тиришқоқлик билан ўзлаштиряпман. — Кимё фанини яхши билган кишигина яхши шифокор бўла олади, — дейди шу фан ўқитувчимиз Уктам Насруллаев.

Одамларни даволаш, дардига малҳам бўлиш, улардан «рахмат» деган сўзни эшитиш асосий орзуим. Биз тоғ ён бағридаги сўлим қишлоқда яшаймиз. Тоғ манзараси жуда гузал. Сангардак дарёси хайқилиб оқади. Каклик ва



булбулларнинг сайраши кишини ўзига ром этади. Муҳими, тоғ доривор утлар макони. Кийкути, тоғ ялпизи, заврак ва бошқа кўпгина утлар... Тенгдошларимга омад тилайман. Астойдил ўқиб, кучли билимга эга бўлган кишигина яхши касб эгаси бўлиб етишади, деб уйлайман.

Мустақиллик шарофати билан билимли ёшларга кенг йўл очилди. Тенгдошларимда, уларнинг ота-оналарида ўз кучи билан ўқишга кириш имконияти рўй-рост бўлиб қолганлиги билимга чанқоқлигимизни оширди. Ана шу имкониятни биз ёшларга берган юртимиз сиёсатига миннатдорчилик билан ўқув йилига, китобга, билимлар оламига шўнғиб кетдик.

Аҳмаджон ОЧИЛДИЕВ,
Сурхондарё вилоятидаги
«Ёш гавардия» (нега шундай? — таҳр.) номли
мактабнинг 9-синф
ўқувчиси.



ДЎХТИР БЎЛАЙМИ, ДИКТОР БЎЛАЙМИ?


Мен дадажонимни жўдаям яхши қўраман. Лекинчи, у киши доим мени: «Кенжа қизим, асал қизим, катта бўлсанг сениям тиш дўхтирликка ўқитаман. Сендан зур тиш дўхтири чиқади» деб эркалатадилар. Шунда бирдан ғалати бўлиб кетаман. Ахир мен кичкиналигимдан буён суҳандонликка қизиқаман-да. Ўзи бизнинг оиламиз шифокорлар оиласи. Дадамни ҳамма: «Бутун бошли катта Жондорда Қажрамон аканинг олдида тушадиган тиш дўхтири ҳали чиққанмас, ҳатто оғриб турган тишининг қандоқ суғуриб олганини ўзинг ҳам сезмай қолсан, тиш қўйса-ку, ўзингни тишингдан ҳам етти марта яхшироқ қилиб қўяди» — деб макташгани-макташган. Шаҳодат аямни эса атроф-қишлоқдагиларнинг ҳаммаси «дўхтир опа» деб

чақирдишади. Акам Улуғбек эса Тошкент тиббиёт олийгоҳида битирувчи талаба.

Яқинда — Мустақиллик байрами арафасида дадам аяжонимга, опамга ва менга бозордан атлас олиб келдилар. Шунда аяжоним «Моҳижон, қуйлагингни қанақа фасонда тикай?» деб сураб қолдилар. Мен: «Телевизорда чиқади-ган диктор Шаҳодат Муродованинг қуйлагидай бўлсин» деб жавоб бердим. Аям қулиб қуйдилар-да, чиқиб кетдилар. Байрам, 1-сентябрь куни қуйлагимни кийиб ойнага қарасам, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, Шаҳодат Муродованинг худди ўзи бўлибман. Кўн бўйи қўшдай учиб юрдим. Шундай кўнларнинг бирида тишим бирам оғриб қолдики, барибир, дадажоним жонимга оро кирдилар. Бир пасда оғриқсизлантирадиган укол қилиб, ҳалиги тишимни суғу-

риб ташладилар. Иккинчисини эса даволадилар. Ва: «Энди тиш дўхтири бўласанми, қизим?» деб жилмайиб сурадилар. Тугриси, нима дейишимни билмай қолдим. Ахир шу пайтда тиш дўхтирликка жуда меҳрим ошиб кетгандида. Дадамни хурсанд қилиш учун: «Майли, тиш дўхтири бўламан, худди сиз каби чиройли расмлар чизаман, қўшиқлар айтаман», дегим келди-ю, аммо... юрагимнинг бир четини ёритиб турган суҳандонлик орзуси йўл бермади. Тугриси, ўзим ҳам иккиланиб қолдим. Худди дадажонимдай, аяжонимдай қули енгил шифокор бўлиб, халқнинг олқишига сазовар бўлсаммикан, ё бўлмаса худди Шаҳодат, Насиба, Сайёра опамлардай ўзим орзу қилганим, кечалари уйлаб ухламай чиққанам, ойнага қараб неча маротаба машқ қилиб юрадиганим — суҳандонликни танла-саммикан?

Моҳичехра ҚАҲҲОРОВА,
Бухоро вилояти, Жондор
туманидаги
22- мактаб ўқувчиси.



Бизни ўраб турган борлиқ сир-синаотларга бой. Шунинг учун ҳар кун бир жумбоққа, ечилмаган сирга дуч келамиз.

Азиз болалар! Эътиборингизга «Кунлардан бир кун» рукни остида ана шундай сеҳрли ва тилсимли дунёнинг ақлимиз бовар қилмайдиган ҳодисаларидан бериб бораёلمиз. Воқеаларга гувоҳ бўлган тенгдошларингиз уларни ўзлари тўқиб чиқарган ёхуд афсоналардан олишган эмас. Улар биз билмайдиган, лекин онгу шууримиз аро тебраниб турган айни ҳақиқатлардир, уларни ўқиғач, ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз, деган умиддамиз.

Кунлардан бир кун

майман. Шунчаки кўрса-тишгандир-да, деб гап қўшиб қўйдим. Бир вақт акамнинг чуқур нафас олганини сездим-да, «ҳа, нима қилди», — деб биқи-

сига тортиб кетади, бап-ки, ўша кун телевизор-да Қор одамни кўриб, йўлга тушганимиз. Қор одам ҳақида гапиргани-



ҚОР ОДАМДАН АРАНГ ҚОЧИБ ҚУТУЛДИК



ҲАЙРАТ

Сураткаш Содиқ МАҲКАМ

Ёзнинг бошлари эди. Фарҳод акам билан эшак-ка мингашиб, янги қишлоқда уй қураётган Ҳасан тоғамларга овқат олиб бораётган эдик. Чамаси, кечқурун соат ун-лар эди. Ўша кун телевидениедан «Қор одам изидан» деган кўрсатув берилган эди. Фарҳод акам Қор одамни кўргани ҳақида гапириб келаётувди. Гап билан бўлиб, манзилга яқинлашиб қолганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Иккала қишлоқни катта сой бирлаштириб турарди. Сойликдан пастликка энсангиз янги қишлоқ, юқорига чиқсангиз эса эски қишлоққа борасиз. Сойликнинг ёнгинасида эса Қўйли поччамнинг уйлари жойлашган.

— Лекин Қор одам жуда зўр экан-да — деб, акам ҳамон шангиллаб гапириб келаётган эди.

— Қор одам борлигига, масалан, мен ишон-

нига туртдим. Фарҳод дидир-дидир титраб «анавини қара», — дея олди зўрға. Не кўз билан кўрайки, бўйи узун, қопқора, жундор маҳлуқ биз томонга шитоё келарди. Қўрқувдан қотиб қолдик, кейин қочдик. Маҳлуқ қуваркан, узун-узун қўллари ерга тегганча бизни қува бошлади. Оғзидан сарғиш апанга, қипқизил олов чиқарди. Эшагимиз ҳам ҳуркиб кетдим, ҳайтовур отдан ҳам тез чопабошлади. Нима бўлганини эслопмайман. Хушимдан кетиб қолибман. Эртасига эрталаб, бўвимнинг олдиларида утирганимни, бўвим мени елпиганча: «Сизларни жўнатмай, улаин-а, болам, ўзингизга келдингми, кўрқитиб юбординг-ку!»

— деганларини аранг эспайман. Ойнага қарасам, лабларим учуққа тўлиб кетганди. Акам билан ўша маҳлуқни уйласак, ҳалиям юрагимиз орқа-

миз учун шунақа бўлгандир, деб уйладик. Лекин у маҳлуқни биздан бошқапар: Ойхон хопам, Қўйли поччам, Ҳасан тоғам, Қўрбон тоғамлар ҳам кўришганини, маҳлуқни улар ҳам сойликдан то пастликкача қувиб келганини айтишди. Каромат деган бир йигитнинг оғзи қийшайиб қолганини ҳам эшитдик. Маҳлуқ, одамларнинг айтишича, жума ва якшанба кунлари одамларга кўринишини айтишди, биз уни кўрган кун ҳам жума эди. Йиллар ўтиб ҳали ҳам ўша ақл бовар қилмас маҳлуқнинг нима эканлигини билмай ҳайронман. Нега айнан жума ёки якшанба кун кўринишини, нима учун бунчалар кўрқинчли эканини уйлаб, ҳеч уйимга етолмайман.

Майрамхон
ЭГАМБЕРДИЕВА,
Қамаши туманидаги
61-ўрта мактаб
ўқувчиси.

Илмимиз, хунаримиз...

Ҳа, шаҳар одамларига қоришиб кетолсанг, ундан ҳам мазза... Тепа қаватларга чиқиш учун ҳам жон койитиб юрмайсан. Лифт деганлари ғир этиб чиқариб, ғир этиб тушириб қўяди. Эшакда бочкалаб, челақлаб сув ҳам ташимайсан, жумрагини бурасанг, иссиқ суви, совуқ сув тушиб ета-

кайтиш орзусидан қайтадилар. Тўғри, кўпчилик учун ҳаракат қилиб яшаш бир кишига оғир, бироқ бу фақат ўзинг учун яша дегани ҳам эмас. Эҳ-эй, неча-неча олиму шоирлар, инженеру қурувчилар қишлоқдан келиб шаҳарда қолиб кетмаган дейсиз. Кучга тўла ёшлик даврларику тўрт деворнинг уртасида

нима кераги бор? Зўр бир шоир етишиб чиққан қишлоқда тузукроқ бир кутубхона тополмаслигингиз мумкин. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг болалик ҳақидаги бир шеърда «ёдимдан чиқмайди болаликдаги ўша эски бузуқ куприк ҳам» деган маънодаги гап бор экан. Бу шеърни раҳбарлардан бири ўқиб, шоирнинг боришига куприкни тузаттириб қўйган экан. Қаранг-а бевосита бир хизмат. Қишлоқни бир купригини тузатиш ҳам катта гап-да...

Мен ҳар гал шунақа воқеаларга дуч келсам, шаҳарда ўқиб, албатта қишлоққа қайтаман деб ният қиламан. Ахир қишлоқни ҳам фаровон ҳаётга кутарайлик. Шаҳар шароитидаги яшаш андозаларига эриштирайлик!

Умиджон АСКАРОВ.
Самарқанд вилояти,
Каттакўрғон тумани.
Орзи Маҳмудов
жамоаси.
20-мактаб.

ШАҲАРДА ЯШАШ МАЗЗА

ди... Хуллас, пулинг булса бас... у ёғи индийский кино... Табиийки, бу фаровон ҳаётга интилувчилар кўп. Дастлаб қишлоқ ёшлари шаҳарга биргина ўқиш орзуси билан келадилар, «катта одам бўлиб» қишлоғи учун хизмат қилиш, чанг йўллари асфалтлаш, дуконлар очиш, одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш каби ширин орзулар ҳам уларнинг ҳамроҳи бўлади. Бироқ... шаҳарга келиб юмшоқ курпаси билан пар ёстигини олиб олгандек урнашиб оладилар. Қишлоққа

утиб кетади: бироқ нафақахурлик даврларини ҳам шаҳарга бағишлайдилар.

Пойтахтимиздаги қурилиш ишларини куриб дили яйрайди одамнинг. Шундай катта қурилишларнинг бошида ҳам қишлоқдан чиққан одамлар туриши мумкин. Нега энди шулар мана шу қурилишларни қишлоққа ҳам олиб бормайдилар? Шаҳарда катта-катта фирмаларни очётганлар қишлоқларда бир филиалини ҳам очолмайдилар. Нега пул шаҳарда айланаверади. Урганган илмимиз, хунаримиз халқ учун хизмат қилмаса

Фахр

Дадам, ойим ва мен бир кун бозорга бордик. Тушлик вақтигача анча - мунча нарса харид қилиб чарчадик. Шунда дадам чўнтагидаги йирик пулларни санадилар ва «Ҳали чўнтак анча бақувват, бир столга утирмаймизми, онаси?» дедилар. Ойим эса: «Қоринлар ҳам роса сурнай чалипти, утирсак яхши бўларди», — деб жавоб бердилар.

Ўзбек
миллати
Ўзбек
миллати!

Мен дарров қорнимга қулоқ солдим, ҳеч қанақанги сурнай овози эшитилмади. Таажжубланиб ойимга бунни айтгандим, дадам билан ойим маза қилиб кулдилар, сўнгра ойим тушунтирдилар-ки, «сурнай чалди» дегани қориннинг очлигини, «столга утириш» эса ошхонада овқатланишимизни билдирар экан. Биз овқатланиб булгач, мева-сабзавотлар растасига утиб, у ердан ҳам бир қанча сабзавот ва мевалар сотиб олдик. Шундан сўнг дадам яна чўнтагидаги пулларига назар ташладилар-да, «энди уйга қайтмасак бўлмайди, чўнтакнинг мазаси қочибди», — дедилар. Мен яна ҳайрон бўлдим: «Дада, чўнтагингиз касал ёки бақувватлигини қасқдан биласиз?» — деб сурадим. Дадам билан ойим яна мириқиб кулишди. Сўнг «чўнтагингизда пулинг кўп булса, доимо соғлом, агар пулинг йўқ булса, касалсан-да, қизим» — деб жавоб бердилар.

Мен шуни англадимки, ўзим олтинчи синфда ўқисам ҳам ҳали лўғатда мен билмаган, тушунмаган сузлар кўп экан. Сузларнинг «асл» маъносини урганиб, лўғат бойлигимни ошириш учун суҳбатларга қулоқ тутишим, радио-телевидение курсатувларини куриб, сузлар маъносини чақишим учун синчковлик қилишим керак экан.

Хурматой ШОМУРОВА.

Замира Рўзиева

БОЛАМ

ДЕЖИИ

МЕНИ...

Сенинг боғларингни минг рангда кўрдим,
Нурли чоғларингни қатрангда кўрдим,
Меҳру муродимни оҳангда кўрдим,
Ортиқ кўроримсан жон- тандин, Ватан.
Болам дегин, менга суянгин, Ватан.

Ардоғим, мулкимдир ҳар майса, баргинг,
Сурма қилай кўзга тупроғинг, гардинг,
Армонсизман агар бўлсам мардинг,
Ортиқ кўроримсан жон- тандин, Ватан.
Болам дегин, менга суянгин, Ватан.

Гурур бор Темурдан мерос туғингда,
Муҳаббат ловуллар алвон чўгингда.
Яшайсан кўзимда, қорачиғимда,
Ортиқ кўроримсан жон- тандин, Ватан,
Болам дегин, менга суянгин, Ватан.

Сени суйганларга тоза имонсан,
Бўртган томирида гупирган қонсан,
Тарихи табаррук Ўзбекистонсан,
Ортиқ кўроримсан жон- тандин, Ватан,
Болам дегин, менга суянгин, Ватан.

Изҳор

Афанди бир куни кечаси уйғониб
кетибди. Кучага чиқиб айланиб юр-
са, куча қоровули кўриб:

— Нима қилиб юрибсан — деб
сурабди.

— Уйкум қочиб кетди, уни қиди-
риб юрибман — деб жавоб берибди.
Афанди.

Бир куни Афандидан оғайнилари
сурашибди: «Мучалинг нима?»

Афанди: «Чучқа» — деб жавоб
берибди.

ИЙКИЛСАМ ҲАМ МАЙЛИ...

«Мучалда бундай ҳайвон номи
йўқ-ку, — дейишибди оғайнилари
хайрон бўлиб.

Афанди: «Онам суриштирганда
тунғиз дейишган?», — дебди.

— Эҳ, шундай демайсанми?

«Наҳотки, тунғиз қирқ йил утиб
чучқага айланмаса» — деб жавоб
берибди Афанди.

Бир куни Афанди қараса, булоқда
урдак сузиб юрганмиш. У югуриб
бориб, тутмоқчи бўлган экан, урдак-
лар учиб кетибди.

Афанди булоқ четига ўтириб олиб,
сувга нон ботириб ея бошлабди. Шу

Афанди бир куни...

пайт бир йуловчи унга қараб:

— Ош бўлсин Афанди. Нима қи-
ляпсиз? — дебди.

— Урдак шурвасига нон ботириб
еяпман — деб жавоб қилибди Афан-
ди.

Бир куни кечаси Афанди қудуқ-
дан сув олгани борибди. Қудуқни
ичидаги сувда ойнинг аксини кўриб:

— Ух-ху, ой сувга тушиб кетибди-

ку, олиб чиқиб қўя қолай — деб
қудуққа илгакли арқон ташлабди.
Илгак қудуқни тешигига илиниб
қолибди. Афанди уни куч билан
тортиб, чалқанчасига йиқилибди-да,
осмондаги ойни кўриб қолиб:

— Йиқилсам ҳам майли. Ҳар ту-
гул ойни жойига қўйганим қолди —
дебди.

Тошкент шаҳар,
Шайхонтохур туманидаги
102-мактабнинг 8 «Г» синф
ўқувчилари
Шоакмал ИСРОИЛОВ ва
Алишер САФАРОВлар
тайёрлашди,

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Қосимжон чучиб уйғонди.
Қараса туши. Ёлғиз ўзи хона-
сида ётибди.

Яна ҳаёлларга берилди:
«Мен энди ёш эмасман. Мен-
дай пайтларида не-не ишлар
қилган болалар бўлган. Ни-
масидан кўрқаман? Ҳар қа-
лай, олиб қолмасман.
Қайтага янгилик очаман.
Кишиларга фойдам тегди.
Балки бу кашфиётни қанча-
дан-қанча киши интизорлик
билан кутаётгандир... Ҳамма
нарсани билиб туриб уларга
мен ёрдам бермасам, ким ёр-
дам беради? Балки бу каш-
фиёт кишилар учун зарур-
дир?»

Талқондан ейиш керак.
Майли, нима бўлса бўлсин,
кишиларга фойдам тегсин...

У урнидан турди. Ярим ке-
ча эди. Чироқни ёқди-ю, ёзув
столига ўтириб нималарни-
дир еза бошлади. Кейин, яши-
риб қўйган жойидан талқон-
ни олди. Кафтига солди-ю,
шартта оғзига ташлади. Тал-
қон ширин экан-у, лекин ти-
қилиб қолишига оз қолди.
Графиндаги сувдан пиелага
қуйиб, оғзига ичди.

Шунда, бирдан миясида
кучли оғриқ турди. Ўз-ўзидан
бадани титрай бошлади. У
бақириб юборишдан узини
зурга тутиб, бир амаллаб қур-
па ичига кирди.

Оз утмай ҳеч қасри оғри-
май қўйди, титроқ ҳам тўхта-
ди. Кузлари ўз-ўзидан юмил-
ди.

«Қосимжон нега хонаси-
даги чироқни ёқиб қолдириб-

ди?» дея ҳайрон бўлган Хури
хола шунча қилса ҳам углини
уйғота олмади. Баттар ажаблан-
ди. Бундай қараса, ёзув столида
сиёҳдон, рутка, бир варақ қоғоз
ётибди. Уни қўлига олди. Сатр-
ларга кўзи тушди:

«Мен қаттиқ ва узоқ ух-
лайман. Уйғотаман деб овора
бўлманглар.

Дорисини узим тайёрлаган-
ман. Қоплон олиб қолмаган,
ухлаб қолган, унга ҳам ўша до-

текширар, юрагига қулоқ со-
лар, кейин... бир нарсая дейишга
бир қийналиб, охирида: «уйғо-
ниб қолса керак», — дерди-ю
чиқиб кетарди.

Уйғонмаётган Қосимжон
Собиров ҳақида газетада ҳам ма-
қола чиқди.

Эртасига уларникига новча,
чўтир юзли киши келди. У пи-
шиллаб ётган Қосимжонга ти-
қилиб турди-да, Собиржон ака-
дан сўради:

шундай деди:

— Мен биолог олимман. Из-
ланиб юриб бир усимлик топ-
ган эдим. Унинг галати хусусия-
ти бор эди. Қуришиб, истеъмол
қилган киши узоқ уйқуга кетар-
ди. Фикримча, углингиз ҳам қан-
дайдир йул билан ўша усимлик
хусусиятини билиб олган. Агар,
тахминим тўғри чиқса у 60—80
йиллардан сўнг уйғонади...

Абдужалил ЗОКИРОВ



ридан берганман.

Қачон уйғонишимни узим
ҳам билмайман».

Хола «вой шўрим» деб юбор-
ди.

Қосимжонни курсатмаган
докторлари қолмади, ҳисоб.
Уларнинг деярли ҳар бири ух-
лаб ётган Қосимжоннинг била-
гини ушлаб, томир уришини

— У «Қора қоя» да бўлганми-
ди?

— Билмадим. Лекин унинг
енидаги лагерда яқинда дам
олиб қайтиб келганди, — жавоб
қилди Собиржон ака.

— Тушунарли, бошқача бу-
лиши ҳам мумкин эмас, — пи-
чирлади ҳалиги киши ўзича,
кейин Собиржон акага қараб

Қосимжонни марказий ка-
салхонанинг махсус палатаси-
га ётқизишди.

Қосимжон кузини очганида
дастлаб, унга маъюс тикилиб
ўтирган, ойисига жуда ўхшаб
кетадиган, лекин ундан ёпи ут-
ганроқ чиройли аёлни кўрди.
Сўнгра у ёқ-бу ёққа тикилиб,
пинамгина хонадаги ётганини
пайқайди.

Аёл унинг кузлари очилга-
нини кўриб, урнидан туриб
кетди. У қаттиқ ҳаяжонланаёт-
ганлигини яшираолмасди.

«Қизиқ, қасрда ётибман?
Хонамда ухлаб қолган эдим-
ку. Бу унга сираям ўхша-
майди... Бу аёл ким бўлди
экан? Нега ҳаяжонланаяп-
ти?» — ўз-ўзига савол берарди
Қосимжон. Лекин нимагадир
ҳеч нима дегиси келмас, мия-
сини қотираётган саволларга
ҳам жавоб топаолмасди.

У яна кузларини юмди.
Шунда ҳалиги аёл шахт би-
лан устига энгашиб ва беих-
тиер «йўқ, йўқ!» деб юборди.

Қосимжон кузларини оч-
ди. Энди у уйқусираб турган
кишига ўхшаб сўради:

— Сизга нима бўлди? Ўзин-
гиз кимсиз? Нега «йўқ, йўқ»
дейсиз? Ўзи мен қасрданман?

Бегона аёл нимагадир «уф»
деб юборди. Кейин овозини
чиқариб деди:

— Худога шукур. Хайрият
уйғондингиз, ўзингизга кел-
дингиз, Қосимжон ака!

Қосимжон сергак тортиди:

— Қосимжон ака? Нега мен
сизга ака буларканман? Кап-
катта аёл?

— Вой, мени танимадин-
гизми? Мен Дилдора... синг-
лингиз Дилдораман-ку...

— Дилдора??? Йўқ-е, у ахир
ун яшар қизалоқ... сиз бул-
сангиз...

— Дарвоқе... Вой эсим қур-
син. Ахир сиз 60 йил ухладин-
гиз-ку... Демак мен ҳам шунга
қараб...

— Қизиқ.. Демак сиз... сен
Дилдора...

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.
Буюртма — Г-0592.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошпириш вақти 19.00.
Тошпирилди — 18.30.
Навбатчи муҳаррир Ҳ.Рустамова

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25